



ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ МЕТОДОЛОГИЯСИДА МАВЖУД МУАММОЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА УЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИНИНГ РИСК ТАҲЛИЛИ

Умурзаков Жамолиддин Шербекович, PhD

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси,

e-mail: jamoliddin.umurzakov@gmail.com

ORCID: 0000-0002-7662-4210

ASSESSMENT OF EXISTING PROBLEMS IN THE METHODOLOGY OF INVESTMENT ACTIVITY AND RISK ANALYSIS OF THEIR CAUSES

Umurzakov Jamoliddin, PhD

Independent researcher of Tashkent State University of Economics,

e-mail: jamoliddin.umurzakov@gmail.com

ORCID: 0000-0002-7662-4210

JEL Classification: E22 C18

Аннотация. Инвестиция фаолияти ўзида инвестиция жараёнларининг барча омилларини бирлаштириши сабабидан корхоналарнинг ишилаб чиқарии ва технологик жараёнлари, уларда самарали натижадорликни таъминлашига бевосита таъсир кўрсатади.

Бизнес жараёнини тасвифлашнинг бир қисми сифатида унга хос бўлган хавфларни ва уларнинг жараённи амалга оширишига таъсирини аниқлаш керак деб ҳисоблаймиз. Нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолият жараёнидаги хатарларни аниқлаш учун бизнес-жараёнларга қандай хатар турлари хос бўлиши мумкинлигини тушуниши, яъни ризк турлари ҳақида масаввурга эга бўлиши керак. Бироқ, хавфларни таснифлаш масаласи ноаниқликдан йироқ ва алоҳида тадқиқот мавзуси бўлишига лойиқдир. Ушибу иши доирасида биз рискларни таснифлашнинг иккита тизимини кўриб чиқамиз, улардан биринчиси ички аудит мақсадларида қўлланилади.

Мазкур мақолада нефть-газ корхоналари мисолида инвестиция фаолияти методологиясида мавжуд муаммоларни баҳолаш ва уларнинг келиб чиқиши сабабларининг ризк таҳлили амалга оширилган бўлиб, бу корхоналарнинг инвестиция фаолияти самарадорлигини такомиллаштиришига хизмат қиласди.

Abstract. Since investment activities combine all factors of investment processes, production and technological processes of enterprises have a direct impact on ensuring their effective performance.

We believe that as part of the description of the business process, it is necessary to identify the risks inherent in it and their impact on the implementation of the process. In order to identify risks in the process of investment activity in oil and gas enterprises, it is necessary to understand what types of risks may be inherent in business processes, that is, to have an idea about the types of risks. However, the issue of risk classification is far from ambiguous and deserves to be a separate research topic. In this work, we consider two risk classification systems, the first of which is used for internal audit purposes.

In this article, on the example of oil and gas enterprises, the assessment of existing problems in the methodology of investment activity and the risk analysis of their causes are carried out, which serves to improve the efficiency of the investment activity of these enterprises.

Калим сўзлар. Нефть-газ корхоналари, инвестиция фаолияти методологияси, рисклар, риск-талил, ESG – экологик, ижтимоий ва бошқарув, баҳолаш, диагностика, прогнозлаш.

Key words. Oil and gas enterprises, methodology of investment activity, risks, risk analysis, ESG - environmental, social,



and governance, assessment, diagnosis, forecasting.

Кириш. Сўнгги йилларда сланец нефтини ўзлаштириш бўйича инновацион технологиялар, янги энергия манбаларини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш, янги конларни ўзлаштириш, минтақавий геосиёсий нотинчлик халқаро энергетика ландшафтида чукур ўзгаришларга олиб келиб, нефть ва газ корпорациялари учун ташқи бизнес муҳитида ноаниқликни кучайтириб бормоқда. Шу боис хукуматлар метан чиқиндиларини назорат қилиш, тоза энергия алмашинувини осонлаштириш ва карбонизланиш каби чоралар бўйича консенсусга эришиш ҳаракатларини амалга ошириб келишмоқда [1].

Жаҳон бозорида нефть ва газ нархининг ўзгарувчанлиги нафақат нефть-газ компанияларининг операцион даромадларига, балки молиявий бўлмаган компанияларнинг операцион кўрсаткичларига ҳам таъсир қиласди. Бундан ташқари, углеводород хомашёси нархининг юқори ўзгарувчанлиги компанияларни банкротлик хавфини оширади [2].

Шубҳасиз, сўнгги йилларда COVID-19 пандемияси глобал иқтисодиёт ва энергия бозорларига сезиларли таъсир кўрсатди. Бирок, эпидемиядан кейинги даврда барқарор макроиктисодий муҳит углеводородларга бўлган талабнинг ўсишини рағбатлантириши мумкин. Тез иқтисодий ўсиш нефть саноатига катта капитал киритди ва натижада нефтгаз компанияларининг тез ўсишига сезиларли туртки бериб бормоқда. Бинобарин, бу эса мамлакатлар ва минтақаларнинг иқтисодий жихатдан рақобатбардошлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон энергетика, хусусан нефть-газ бозори “флагман”и ҳисобланган “Ўзбекнефтгаз” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) олдига ҳам жаҳон бозорида юзага келаётган чақирувларни таҳлил қилган холда углеводород хом ашёсини қазиб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, табиий газ, суюқ углеводородларни қайта ишлаш

орқали нефть ва газ маҳсулотларини ишлаб чиқариш, республика иқтисодиёти тармоқлари ва аҳолисининг нефть ва газ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш вазифаси қўйилган [3].

Материал ва метод. Нефть-газ корхоналари мисолида инвестиция фаолияти методологиясида мавжуд муаммоларни баҳолаш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлили, рискларни бошыариш ва таҳлили мавзулари бўйича бир қанча тадқиқотлар олиб борилган.

Хусусан, Д. Буш, Д. Джонстон., Вяткин В.Н., Гамза В.А., Ермасова Н.Б., Уринцов А.И., Измалков А.Ю., Селезнов Н.Ф.лар ўз тадқиқотларида саноат корхоналари, хусусан нефть-газ саноати корхоналари инвестиция фаолияти самарадорлигини таъминлашда риск-таҳлилнинг ўрни бўйича таҳлиллар олиб боришган.

Натижалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги “Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефт-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4388-сон қарори хамда 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сон Фармонига мувофиқ жамият фаолиятининг ҳар бир сегменти бўйича (геология-қидирув ва қазиб чиқариш, нефтни қайта ишлаш, газни қайта ишлаш ва газ кимёси, сотув ва маркетинг, барқарор ривожланиш ва ESG) ривожланиш стратегиясини ишлаб чишиш зарурияти юзага келди. Мазкур хужжатда ўрта ва узоқ муддатли вазифалар белгиланиб, корхонанинг асосий фаолият йўналишлари бўйича мақсадли вазифлар ва кўрсаткичлар тасдиқлаб берилиши лозим бўлади.


Замонамиз айрим олимлари тадқиқотларига кўра инвестиция фаолияти методологиясини таҳлил қилиш жараёнлари уч асосий қисмдан иборат бўлади, булар – баҳолаш, диагностика ва

прогноз қилиш [4]. Айнан нефть-газ корхоналарида тармоқнинг ўзига хослик хусусиятидан келиб чиқиб, инвестиция фаолиятни самарадорлигини таҳлил қилишда ҳам ушбу баҳолаш, диагностика ва прогнозлаш босқичларини амалга ошириш билан бир қаторда бир қанча қўшимча босқичларни ҳам қўшилиши мақсадга мувофиқ (2-расм).

1-расмда инвестиция фаолияти самарадорлигини таҳлил қилишнинг кетма-кет босқичлари акс эттирилган,

шунигдек, таҳлилнинг ҳар бир босқичининг ахборот базаси ва натижалари келтирилган.

Куйида биз ҳар бир босқични ва керакли маълумотларнинг элементларини батафсилоқ кўриб чиқамиз. Ишлаб чиқилган режага мувофиқ инвестиция фаолияти методологияси ва унинг самарадорлигини таҳлил қилиш инвестиция фаолияти жараёнини ва ушбу жараёнга хос бўлган хатарларни батафсил тавсифлашдан бошланиши керак.



1-расм. Инвестиция фаолияти методологиясини таҳлил қилиш босқичлари.

Ушбу босқични амалга ошириш кейинги таҳлил қилиш учун ахборот базасининг қисмларидан бирини ташкил қилади. Инвестицион бизнес жараёнини тавсифлаш учун корхонанинг ички маълумот манбаларидан фойдаланиш керак бўлади: ички қоидалар, жараён тавсифлари, шунигдек бизнес жараёнларини амалга оширишда бевосита иштирок этадиган ходимлар билан сұхбат материаллари.

Кўпгина йирик нефтгаз ташкилотларида бўлгани каби, аллақачон тавсифланган, ишлайдиган бизнес жараёнининг мавжудлиги вазифани сезиларли даражада соддалаштириши мумкин. Шунигдек, ҳозирги вазиятни керакли ҳолат билан солиштириш ва инвестиция фаолиятининг амалдаги жараёни қанчалик самарали эканлигини аниқлаш имконини берувчи "идеал" жараён ёки "бўлиши керак бўлган" жараённинг тавсифини шакллантириши тавсия этилади.

Инвестицион лойиҳа ноаниқлик ва таваккалчиликни ўз ичига олади ва

хавфни минималластириш учун мунтазам мониторинг муҳим аҳамиятга эга.

Хавфни камайтириш учун маҳсус чоралар кўриш керак. Маълумки, инвестиция лойиҳасини амалга оширишда бир қатор хавфлар мавжуд: техник, вақт, харажат (молиявий), операцион, ижтимоий, сиёсий ва ҳоказо. Инвестиция узоқ жараён бўлиб, бу рисклар ҳар қандай ҳолатда ҳам дуч келиши мумкин, муаммоларни ҳал қилиш, уларнинг салбий таъсирини камайтириш қарорлар қабул қилишда муҳим роль ўйнайди.

Мунозара. Бизнес жараёнини тавсифлашнинг бир қисми сифатида унга хос бўлган хавфларни ва уларнинг жараённи амалга оширишга таъсирини аниқлаш керак деб хисоблаймиз. Нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолият жараёнидаги хатарларни аниқлаш учун бизнес-жараёнларга қандай хатар турлари хос бўлиши мумкинлигини тушуниш, яъни рисқ турлари хақида тасаввурга эга бўлиш керак. Бироқ, хавфларни

таснифлаш масаласи ноаниклиқдан йироқ ва алоҳида тадқиқот мавзуси бўлишга лойиқдир. Ушбу иш доирасида биз рискларни таснифлашнинг иккита тизимини кўриб чиқамиз, улардан биринчиси ички аудит мақсадларида қўлланилади (1-жадвал).

1-жадвал. Ички назорат тизими мақсадларида инвестиция фаолияти рискларини таснифлаш [5]

Молиявий рисклар	Стратегик рисклар	Операцион рисклар
<ul style="list-style-type: none"> Капиталнинг етарли эмаслик риски ёки тўловга қобил эмаслиги Ликвидлик риски Кредит риски Бозор риски Фоиз ставкасини ўзгариш риски 	<p>Бизнес ёки инвестиция стратегияси ўзгарувчиларининг ўзгариши:</p> <ul style="list-style-type: none"> Талабни баҳолаш Бизнес-цикли Рақобатчилар хулқ атвори Технологияларнинг ўзгариши <p>Шунингдек, репутациянг ёмонлашуви риски тизимли\мамлакат рискларини ҳам ўз ичига олади</p>	<ul style="list-style-type: none"> Фирибгарлик ва номуносиб бошқариш рисклари Ички тизимларнинг ёки назорат механизмларининг ишдан чиқиш риски Қонун нормалари ва талабларига риоя этиш билан боғлиқ рисклар Хукукий рисклар Технологик рисклар

Нефть-газ корхоналарида инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишда юқорида кўрсатилган уч гурӯҳ рискларидан ташқари бошқа бир қатор рискларни ҳам кўрсатиш мумкин.

Хусусан, тадқиқот обьекти ҳисобланган “Ўзбекнефтгаз” АЖда рисклар инвестицион фаолият ва ундан рискларни юзасидан олиб борилган ўрганишларда қуйидагилар маълум бўлди. Корхонада рискларни бошқаришни тартибга солувчи асосий хужжат – бу 2018 йил 24 мартағи 73-сон билан қабул қилинган “Рискларни бошқариш тўғрисида”ти Низом бўлиб, бу хужжат ишлаб чиқариш, иқтисодий соҳада ва инвестиция фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган хатарларни камайтириш ва олдини олиш бўйича ўз вактида чора-тадбирлар кўриш тартибини белгилайди [6].

“Ўзбекнефтгаз” АЖ корхоналарида рискларни бошқариш тамойилларини жорий этишни мувофиқлаштириш учун жавобгарлик Компаниянинг Бизнесни истиқболли ривожлантириш департаменти таркибидаги Рискларни бошқариш бўлими зиммасига юкланди.

Ушбу таснифда барча рисклар қўйидаги уч гурӯҳга бўлинади: молиявий рисклар, стратегик рисклар, операцион рисклар. Ҳар бир гурӯхнинг рисклари умуман нефть-газ корхонаси фаолиятига ҳам, хусусан, инвестиция фаолиятига ҳам сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

Назорат тизими рискларини таснифлаш

Компанияда хатарларни бошқаришнинг ягона тизими жорий этилган бўлиб, уни такомиллаштириш Бошқарув раисига бўйсунувчи Хатарларни бошқариш қўмитаси зиммасига юклangan. Ушбу органнинг функциялари, шунингдек, хавфларни бошқариш бизнес-жараёнida фаолиятни амалга оширишни ўз ичига олади, жумладан:

аниқланган хавфларни баҳолаш;
компаниянинг хавф чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу жумладан ходимларни ўқитиш, хавфларни сифат ва микдорий баҳолаш;
компания ва ташкилотларнинг юқори раҳбариятини ахборот билан таъминлаш;
хавф-хатарларни қайд этиш.

Компания рискларни мунтазам равишда кузатиб боради, бу эса хавфларнинг оқибатларини бартараф этиш учун профилактика чоралари ва юмшатувчи омилларнинг натижаларини кузатиш имконини беради. Мониторингнинг мақсади кўрилган чораларни амалга оширишдаги тараққиётни кузатиш, шунингдек, хавф гурӯхини ва масъул шахсларни юзага

келадиган хавфлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилишдир.

Рискларнинг параметрлари, кўлами ва Компания фаолиятига потенциал таъсирини аниқлаш учун ҳар бир бўлинма ҳар ойда потенциал рисклар рўйхатини ишлаб чиқади. Таасиқланган матрицага қўра, хавфларни учта мухимлик даражасидан ("юкори", "ўрта"

2-жадвал. "Ўзбекнефтгаз" АЖда инвестиция фаолиятини самарали амалга оширишда аниқланган асосий риск-факторлари

Риск номи	Асосий риск-факторлар
Корхоналарнинг тўлиқ қувватда ишлай олмаслиги	<ol style="list-style-type: none"> Ускуналарнинг регламентга номувофиқ ишлаши Кимёвий реагентларнинг ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишини назорати пастлиги Электр энергия таъминотининг огоҳлантиришсиз узилиши Хорижий ускуна етказиб берувчи корхона шартномада кўрсатилган шартларни бажармаслиги
Хорижий кредит шартномаларда кўрсатилган шартларга риоя қилмаслик	<ol style="list-style-type: none"> Шартномаларда кўрсатилган шартларнинг бажарилиши назорати пастлиги
Табиий газ ва нефт маҳсулотларининг нархининг оширилмаслиги	<ol style="list-style-type: none"> Хукумат томонидан табиий газ тарифини кўриб чиқиш кечикиши ва/ёки амалдаги ҳолатда сақлаб қолиниши
Компания кредит рейтинги ва/ёки тахминий кўрсаткичлари тушиши	<ol style="list-style-type: none"> Зарур тўловлар ва капитал қўйилмаларни қоплаш учун FFO (операциялар бўйича маблағлар) умумий қарз ва ликвидликка нисбати ёмонлашиши
Йирик инвестиция лойиҳаларнинг ўз вақтида якунига етмаслиги	<ol style="list-style-type: none"> Лойиҳа қадамларини мунтазам назорат қилмаслик Ички ва ташқи келишувларнинг узоқ вақт давом этиши
Мавжуд қудуқлардаг газ қазиб чиқарашнинг пасайиши	<ol style="list-style-type: none"> Геолого-техник тадбирларни амалга оширмаслик Молияштириш, таъмирлаш, қувурларни тозалаш ишлари кечикиши
Эксплуатацион носозликлар	<ol style="list-style-type: none"> Ускуналарнинг авариявий тўхташи Ўз вақтида таъмирлаш ишларини амалга оширмаслик Ускуналарни мунтазам назорат олиб бормаслик
"KPI" кўрсаткичлари тўлиқ бажарилмаслиги	<ol style="list-style-type: none"> Вазифаларнинг муқобил тақсимланмаганлиги "KPI" кўрсаткичлари белгиланаётганда объектив омиллар ҳисобга олинмаганлиги

Компания фаолиятининг барча соҳаларида, жумладан, атроф-муҳит, ходимлар, мулк, молиявий, инвестициявий, шартномавий, ишлаб чиқариш ва обрў-эътиборга оид хавфлар аниқланган. Масалан, Компаниянинг обрўсига катта таъсир кўрсатадиган хавфлардан бири - бу компания фаолияти

ёки "паст") бирини белгилаш. Реестрга факат энг юкори тоифадаги хавфлар киритилган.

Компаниянинг рисклари асосан қуидаги соҳаларда қайд этилади: одамлар, молиявий кўрсаткичлар, активлар, ишлаб чиқариш жараёни, компания обрўси (репутация).

Бундан ташқари, "Ўзбекнефтгаз"

тўғрисидаги ишончсиз ва асосиз маълумотларнинг оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда тарқалишидир. Ва ходимларнинг ишига ва атроф-муҳитга энг салбий таъсир кўрсатадиган хавфлардан бири - бу очик олов ёки саноат газларининг оқиши.

Бундан ташқари, "Ўзбекнефтгаз"



АЖНИНГ кредит рейтингининг пасайиши бир вақтнинг ўзида

Компаниянинг жаҳон бозоридаги обўсига ва молиявий кўрсаткичларига таъсир қилувчи хавф ҳисобланади. Компаниянинг ишлаб чиқариш бўлинмаларида эҳтиёт қисмлар ва йиғиндиларнинг этишмаслиги ишлаб чиқариш фаолиятига катта таъсир кўрсатадиган хавф эканлиги аниқланди.

Рисклар реестри ҳар уч ойда бир марта биргаликда кўриб чиқлади. Шу билан бирга, уларнинг компаниянинг молиявий-хўжалик фаолиятига таъсири даражаси, уларнинг пайдо бўлиш хусусияти ва уларни минималлаштириш чоралари таҳлил қилинади. 2022 йил охирида реестрга 61 та хавф киритилган.

“Ўзбекнефтгазда” АЖда инвестиция фаолияти самарадорлигини таъминлашда мавжуд рисклар билан ишлаш тизими таҳлиллари асосида кейинги босқичда рисклар билан, ягона рисклар билан ишлаш, уларни бошқариш тизими методологиясини такомиллаштириш ва унда, шу жумладан куйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

рискларни бошқариш бўйича амалдаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, жумладан соҳанинг ўзига хослиги ва ходимлар

ўртасида ўтказиладиган сўровномалар каби жиҳатларни кўзда тутиш;

компания ходимлари ўртасида риск маданиятини ошириш бўйича семинарлар ташкил этиш, таркибий бўлинмалари ходимлари орасидан рисклар бўйича координаторларни тайинлаш;

рисклар реестрини шакллантириш, шунингдек рисклар таъсирини камайтириш бўйича тегишли тезкор чоратадбирларни ишлаб чиқиш;

мавжуд рисклар ва уларни минималлаштириш чоралари тўғрисида маълумот тўплаш, уларни таҳлил қилиш, ҳар чоракда консолидацияланган маълумотларни рисклар қўмитасига тақдим этиш;

Компания Кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилишига рискларни бошқариш тизимининг жорий ҳолати тўғрисида Рисклар қўмитаси томонидан ҳисоботлар тақдим этиши;

рискларни бошқариш бўйича маълумотларни киритиш, сақлаш, алмашиб ва умумлаштириш жараёнини рақамлаштиришга хизмат қилувчи маҳсус электрон платформани ишлаб чиқиш ҳамда риск менежерлари ва рисклар координаторлари учун уланиш ва улардан фойдаланиш учун барча зарур имкониятларни яратиш;

З-жадвал. Нефть-газ корхоналарида инвестиция фаолиятини амалга оширишда универсал бизнес-рисклар ва уларнинг татбиқ этилиши

Рисклар	Риск тафсилотлари	Бизнес-рискларни инвестиция фаолиятига татбиқ этилиши
Молиявий ҳисботнинг ишончсизлиги	Молиявий ҳисботларда моддий нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги	Молиявий ҳисботда инвестиция фаолиятини акс эттиришдаги хатоликлар
Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисбот тамойилларининг бузилиши	Низомда кўзда тутилмаган ва тасдиқланган бухгалтерия тамойилларига зид бўлган бухгалтерия усулларидан фойдаланиш	Инвестиция фаолияти объектларини ҳисобга олишда нотўғри усуллардан фойдаланиш
Бизнеснинг узлуксизлигини бузиш	Ички омиллар, масалан, ишлаб чиқариш ва маркетинг технологиялари таъсири туфайли бизнеснинг узлуксизлигини таъминлай олмаслик	Катта инвестицияларни талааб қиладиган ишлаб чиқариш жараёнларининг узлуксизлигининг бузилиши
Молиявий жарималар олиш ва суд ишларига жалб қилиш	Қонун бузилиши натижасида жарималарни тўлаш зарурати, масалан, даромад солигини тўлаш билан боғлик	Инвестиция фаолияти обьекти билан боғлик жарималар ёки суд тўлов топшириқномаларини тўлаш зарурати
Бошқарув	Нотўғри режалаштириш, ташкил этиш	Инвестиция лойиҳасини нотўғри

қарорларини қабул қилишдаги хатолар	ва самарасиз қарорлар қабул қилиш, оператив қарорлар қабул килмаслик, масъулиятсизлик	баҳолаш ва нотўғри танлаш, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш босқичида самарали бошқарув ҳаракатларининг йўқлиги
Даромадларнинг етарли эмаслиги	Контрагентлардан келадиган тўловлар ва компенсацияларни йўқотиш, шунингдек бозорда улушни йўқотиш туфайли даромаднинг пасайиши	Инвестиция фаолиятидан келиб чиқадиган келажақдаги пул оқимларини қайта баҳолаш ёки объектив ҳолатлар туфайли уларнинг камайиши
Узоқ муддатли активларни йўқ қилиш ва йўқотиш	Ускуналар ва биноларнинг ишдан чиқиши, активларнинг бузилиши, табиий омиллар ва фавқулодда вазиятлар натижасида активларнинг йўқ қилиниши	Инвестициялар киритилган, аммо пул оқимларини яратишни бошламаган активларнинг йўқолиши
Рақобат устунликларини йўқотиш, истеъмолчиларнинг тахминларидан норозилик	Талаб ва рақобат шароитидаги ўзгаришларга тўғри жавоб берса олмаслик	Инвестициялар киритиладиган объектлардан фойдаланишга таъсир қилувчи ташқи бозор шароитидаги ўзгаришлар
Адолатсиз ҳаракатлар ва манфаатлар тўқнашуви	Ходимлар томонидан ҳаракатлари, шахсий олиш учун компания коидаларини бузиш	Фирибгарлик имтиёзларни сиёсати ва Инвестиция жараёни билан шуғулланадиган ходимларнинг адолатсиз ҳаракатлари

хорижий нефть-газ компаниялари билан биргаликда рискларни бошқариш соҳасида мутахассислар ва эксперталарнинг тажриба алмашиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Мунозара. Таъкидлаш жоизки, хорижий амалиётда “Универсал бизнес рисклари” деб номланувчи рисклар таснифи кенг тарқалган. Ушбу тасниф ҳар қандай компания фаолиятига хос бўлган 10 та асосий бизнес рискларини белгилайди [7]. Универсал бизнес рискларининг таснифи юқорида кўриб чиқилган таснифга қараганда кенгроқидир, ҳар икки турдаги таснифларни таққослашда биринчи навбатда хавфлар аниқроқ кўрсатилган, лекин умуман олганда улар камроқ соҳаларни қамраб олади.

Хуноса. Шундай қилиб, нефть-газ корхоналари инвестицион фаолиятини таҳлил қилиш учун биз универсал бизнес рисклари ва уларнинг инвестиция фаолиятига татбиқ этилишини кўриб чиқамиз (3-жадвал). Ушбу рўйхатда

кељтирилган рискларнинг ҳар бири нефть-газ корхонаси инвестиция фаолиятининг исталган босқичида пайдо бўлиши мумкин, шунинг учун бизнес жараёни ва унинг рискларини тавсифлашда барча мумкин бўлган хавф турларини хисобга олиш керак деб хисоблаймиз.

Инвестиция фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш мақсадида жараённинг тавсифи жадвал шаклида тақдим этилиши мумкин (4-жадвал). Жадвал формати индикатив мисол бўлиб, жараён тавсифининг бир қисми сифатида тўпланиши керак бўлган асосий маълумотларни кўрсатади (масалан, инвестиция имкониятларини таҳлил қилиш ва молиявий режаларни шакллантириш).

Ушбу жадвалда бизнес-жараёнлар “қандай бўлса шундайлигича”, яъни нефть-газ корхонасида амалда бўлган жараён ва “аслида қандай бўлиши керак бўлган”, яъни мақсадли параметрларга жавоб берадиган, шаклда кељтирилган. Таъриф масъул шахслар, хавфлар ва



назорат қилиш тартиб-коидаларини кўрсатган ҳолда кичик жараёнлар томонидан амалга оширилади.

Нефть-газ корхоналарида инвестиция фаолияти самарадорлигини таҳлил қилишнинг кейинги босқичи сифатида ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш бўлиши керак деб ҳисоблаймиз. Инвестицион жараённинг тавсифи ва тавсифни тайёрлашнинг бир қисми сифатида ўтказилган интервью натижалари ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш учун зарур бўлган маълумотларнинг асосий қисмидир, аммо қўшимча равишда ташкилот тавсифи бўйича қуидаги масалаларни ўз ичига олган умумий маълумотни тузиш керак:

компания фаолиятининг умумий тавсифи;
компаниянинг мақсади, вазифаси ва стратегияси;
ташкилий тузилма;

кадрлар сиёсати: ходимларни рағбатлантириш, тайёрлаш ва ривожлантириш тизими;

инвестиция фаолиятининг умумий тавсифи ва асосий йўналишлари;

компаниянинг бухгалтерия ҳисоби тизими, шу жумладан инвестиция объектларини ҳисобга олиш тизими;

умумий ва инвестиция фаолияти объектларига нисбатан назорат харакатларини мониторинг қилиш тизими.

Ушбу маълумотларни умумлаштириш ички назорат тизими (ИНТ) синовдан ўтказишни осонлаштиришга имкон беради. Агар ИНТ таркибий қисмларининг бир қисми сифатида қўшимча элементларни кўриб чиқиш зарур бўлса, компаниядаги фаолият ва ички назоратни ташкил этишининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ, ахборот базаси ҳам тўлдирилиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1.The UN Climate Change Conference in Glasgow, COP26, 2021. [Electronic resource]. Access mode: URL: <https://unfccc.int/sites/default/files/resource>
- 2.Gupta, K., & Krishnamurti, C. (2018). Do macroeconomic conditions and oil prices influence corporate risk-taking? Journal of Corporate Finance, 53, 65-86.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги “Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарортаъминлаш, нефт-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чоратадирилари тўғрисида”ги ПҚ-4388-сон қарори.
4. Макарова Л.Г., Экономический анализ в управлении финансами фирмы: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / Л.Г. Макарова, А.С. Макаров. - М.: Издательский центр «Академия», 2008. - 336 с. ISBN 978-5-7695-5097-3.
5. Джигкаева, А.В. Роль внутреннего аудита в системе корпоративного управления и внутреннего контроля организации (не опубликовано): материалы лекций/ А.В. Джигкаева. – Нижний Новгород, 2016г.
6. «С заботой о будущих поколениях» официальный отчет об устойчивом развитии АО «Узбекнефтегаз» за 2022 год (Sustainability report Uzbekneftgaz JSC 2022), www.ung.uz.
7. Макаров, Д.А. Система внутреннего контроля и внутренний аудит в глобальной организации (не опубликовано): материалы лекций/ Д.А. Макаров. – Нижний Новгород, 2016г.
8. Уринцов А.И., Измалков А.Ю. Об особенностях формирования экономической политики хозяйственных субъектов. // Экономические исследования хозяйственной деятельности и финансовых рисков. - Сб. научных трудов. - М.: МЭСИ, 1999.
9. Ермасова Н.Б. Риск-менеджмент организаций. М., 2010.
10. Управление рисками фирмы: программы интегративного риск-менеджмента / колл. авт. Вяткин В.Н., Гамза В.А., Екатеринославский Ю.Ю. М., 2006.



11. Зайцев В.Ю., Федчишин Ю.И. Особенности и специфика направлений финансового развития корпорации нефтегазового комплекса // Экономика, статистика и информатика. Вестник УМО. 2012. № 2. С. 25-30.
12. Селезнев Н.Ф. Управление рисками в нефтегазовом комплексе // Трубопроводный транспорт: теория и практика. 2011. № 6(28). С. 34-37.
13. Д. Буш, Д. Джонстон. Управление финансами в международной нефтяной компании. - М.: Олимп бизнес, 2003.